

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

БОҒДОРЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДА  
СУБСИДИЯ АЖРАТИШ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази  
Тошкент – 2024

**Боғдорчилик йўналишида субсидия ажратиш бўйича услугбий қўлланма.** Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 30 б.

Боғдорчилик йўналишида субсидия ажратиш бўйича услугбий қўлланма Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим идораларидағи ходимлар ва субсидиялардан фойдаланувчи шахслар ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада ердан самарали фойдаланиш орқали аҳоли даромадларини ошириш мақсадида боғдорчилик йўналишида шуғулланувчиларга субсидия ажратиш ҳамда ундан фойдаланиш тартиби содда тилда кўрсатиб ўтилган.

Ушбу услугбий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

# **МУНДАРИЖА**

<b>Кириши .....</b>	<b>4</b>
<b>Боғдорчилик йўналишида субсидия ажратиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари .....</b>	<b>5</b>
<b>Асосий тушунчалар.....</b>	<b>6</b>
<b>Аҳолида боғдорчилик билан шуғулланиш маданиятини шакллантириш .....</b>	<b>8</b>
<b>Умумий қоидалар .....</b>	<b>10</b>
<b>Боғдорчилик йўналишида ваколатли органлар.....</b>	<b>12</b>
<b>Боғдорчилик йўналишида ажратиладиган субсидиялар.</b>	<b>16</b>
<b>Янги интенсив боғ ва токзорларда лойиҳа асосида томчилатиб сүғориши технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудук, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш ва қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби.....</b>	<b>16</b>
<b>“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга субсидия бериш” ахборот тизими орқали субсидия бериш тартиби.....</b>	<b>22</b>
<b>Иловалар .....</b>	<b>26</b>

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг йирик тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳаси мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида ҳам салмоқли ўрин эгаллаган. Мустақиллик йилларида олиб борилган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси динамик ҳолда ривожланиб бораётган мураккаб иқтисодий тизимга эга бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалиги республика иқтисодиётининг йирик ва муҳим тармоғи сифатида сақланиб қолди.

Айниқса, боғдорчиликнинг ривожланиши мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишга, иқтисодиётнинг тараққий этишига салмоқли хисса қўшади. Боғдорчилик йўналишида фаолият юритувчи шахсларга имтиёз ҳамда преференциялар бериш, субсидиялар ажратиш, шунингдек, интенсив боғларни ташкил қилган оиласидан тадбиркорларга имтиёзли шартларда кредит ва лизинглар ажратиш уларни қўллаб-қувватлашнинг бир кўринишидир.

Қолаверса, боғдорчилик фаолиятига сувни тежовчи технологияларни жорий этиш, уларни амалиётда қўллашни кенг тарғиб этиш мақсадида тадбиркорлик субъектларига алоҳида турдаги субсидиялар ажратиш йўлга қўйилган.

Мазкур қўлланмада қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда боғдорчилик фаолиятини юритиш, ушбу йўналишда ажратиладиган субсидиялар ҳамда уларни ажратиш тартиби кўрсатилган.

Қўлланма ваколатли давлат органлари ҳамда боғдорчилик билан шуғулланувчи аҳоли учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиласиз.

# БОҒДОРЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДА СУБСИДИЯ АЖРАТИШ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ



Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги "Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-269-сон Фармони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 марта даги "Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4246-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 декабрдаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга субсидия бериш ахборот тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 711-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 июндаги "Узумчилик, боғдорчилик, иссиқхона хўжаликларини юритувчи ва виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 327-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 571-сон қарори

# АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

**қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар** — ер фондининг барча тоифаларидағи қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ушбу мақсадларга мўлжалланган ерлар (суғориладиган ва суғорилмайдиган ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали довдараҳтлар эгаллаган ерлар);

**ерлардан асосий фойдаланиш мақсади** — ерлардан ер-кадастр ҳужжатларида акс эттириладиган аниқ мақсадларни кўзлаб фойдаланишнинг қонунчилиқда белгиланган тартиби ва шартларидир;

**суғориладиган ерлар** — қишлоқ хўжалигига фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбай билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар;

**интенсив боғ** — пакана ва ярим пакана пайвандтагларда этиширилган кўчатларни зич схемада экиб, томчилатиб суғориш тизими жорий этилган боғ

**қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиси** — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиширувчи фермер хўжаликлари, кластерлар, кооперациялар ва бошқа юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектлар;

**субсидия** — товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва уларни реализация қилишни молиялаштириш ёки биргалиқда молиялаштириш ёхуд мақсадли харажатларнинг ўрнини қисман қоплаш учун бюджет

тизими бюджетлари ҳисобидан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган пул маблағлари;

**томчилатиб суғориш технологияси** — сув тиндиргич (ховуз), сув насоси, сув тозалагичлар (фильтрлар), минерал ўғитлар эритмасини тайёрловчи мослама, сувни бошқариш ва ўлчаш воситалари, сув етказувчи, сув тарқатувчи ва сув томизгичли қувурлардан иборат суғориш мажмуаси;

**манзилли рўйхат** — қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган субсидияларни олиш учун қўйилган талаблар ва ишларни бажарувчи талабгорлар рўйхати.

# АҲОЛИДА БОҒДОРЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Худудда боғдорчилик билан шуғулланиш:

- ✓ **аҳоли бандлигини таъминлайди;**
- ✓ **аҳоли даромадларининг ошишига хизмат қиласди.**

Мазкур икки омилнинг мавжудлиги ўз навбатида ишсизлик, боқимандалик, қашшоқлик каби бошқа салбий ҳолатларнинг аниқ бир оила, маҳалла кесимида келиб чиқмаслигини таъминлайди.

Албатта юртимизда боғдорчилик билан шуғулланиш маданияти минг йиллар давомида шаклланган.

## Газетадаги хабардан:

Ўрта Чирчик тумани "Усмон ота" маҳалласида истиқомат қилувчи 80 ёшли Фозил ота ҳамда 72 ёшли Атка ая Хошимовалар ўз хонадонларидағи 6 сотих майдонда 2010 йилда 70 тун кўчатли иссиқхона ташкил қилиб, нафакадаги вақтларини мазмунли ўтказишмоқда.

Жорий мавсумда иссиқхонадан салкам 35 миллион сўм даромад ҳам олишига эришишиди.

Ўша вақтларда лимон кўчатларни Сурхондарёдан олиб келиб эккан эдик. Иссиқхонамизда лимоннинг маҳаллий шароитга мослаштирилган навини экиб, сифатли, мўл ва мунтазам ҳосил олмоқдамиз. Бу нав бўйи нисбатан кичикилиги ва эрта ҳосил бера бошлиши билан бошқалардан ажралиб туради. Яхши парвариш қилинганда ҳар тупидан 300–400 тагача лимон мевасини олмоқдамиз дейди.-Атка ая Хошимова.

Юқоридаги хабар ҳам аҳолининг боғдорчиликдан қандай манфаат олишни яхши тушунишини кўрсатиб турибди.

Сўнгги йилларда айнан боғдорчилик билан шуғулланишни тартибга солишга қаратилган 10 га яқин ҳужжат қабул қилинган. Бу эса ўз навбатида ҳукумат ҳам айни шу йўналиш истиқболига катта ресурслар сарфлаётганини кўрсатади.

Шундан келиб чиқиб, биз боғдорчилик билан шуғулланишни тарғиб қилишимиз, мазкур соҳада қонунчилик ҳужжатларининг мазмунини тушунтиришимиз, аҳолига яратилган ҳар бир имтиёз ҳақида тўғри маълумот бериб, керак бўлса ушбу имтиёзлардан фойдаланишни ўргатишимиз зарур.



# УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

## Боғдорчилик нима?

Боғдорчилик, мевачилик — қишлоқ хўжалигининг мева, узум ва резавор меваларни етиширадиган муҳим соҳаси. Аҳолининг мева ва мева маҳсулотларига, саноатнинг мева хом ашёсига бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласи. Соф Боғдорчилик (олма, нок, ўрик, гилос ва бошқа мевалар етишириш) ва кўчатчилик (кўчатзорларда мевали дарахтлар кўчатлари етишириш) тармоқларига бўлинади.



## Суғориладиган ерлар

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради.

Сув хўжалиги органлари суғориладиган ери бўлган ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни суғориш ишлари учун манбаларнинг серсувлигини ҳисобга олган ҳолда жорий этилган лимитлар бўйича сув тўғрисидаги қонунчилик билан белгиланадиган тартибда сув билан таъминлашлари шарт.

Суғориладиган ерлардан фақат қишлоқ хўжалиги экинларини етишириш, шунингдек **боғдорчилик**, узумчилик

ва кўп йиллик дов-даражатлар етиштириш учун фойдаланилиши мумкин.

### **Бу муҳим:**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ижара ҳуқуқи асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига — дехқон хўжаликларини, якка тартибда **боғдорчилик**, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун берилади.

### **Ер участкаларининг ажратиладиган ўлчамлари**

 фермер хўжаликларига ва бошқа юридик шахсларга: боғдорчиликка, узумчиликка ихтисослашганларга — **камида 3 гектар**

 агросаноат кластерлари, шу жумладан кооперация шаклидаги кластерлар учун: боғдорчилик, узумчиликка ихтисослашганларга — **камида 100 гектар.**

### **Ҳуқуқий асос:**

Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси

# БОҒДОРЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДА ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

*қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишилаш ва сотишда замонавий кооперация муносабатларини кенгайтириш орқали қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг қўшилган қиймати занжирни яратилишини рағбатлантириш соҳасида:*

- + мева-сабзавот маҳсулотларини етиширишни кўпайтириш ва тизимли равишда сотиш, айланма маблағларни шакллантириш мақсадида кооперацияларни ташкил этиш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатиб боради;
- + боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, полизчилик, картошкачилик, пиллачилик, озуқа экинлари, доривор ва зиравор ўсимликларни ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқади ва амалга оширади.

## Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги

*боғдорчилик соҳаси ва иссиқхона хўжалигида бошқарув тизимини такомиллаштиришга ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизmlарини жорий этишига, шунингдек, замонавий ресурстежкамкор технологиялар асосида юқори сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар етиширишга масъул давлат органи.*

- + интенсив мева-сабзавотчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжаликларини барқарор ривожлантиришни таъминлашга қаратилган мақсадли комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

+ замонавий ресурс тежамкор технологияларни, шу жумладан томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимларини қўллаган ҳолда интенсив мева-сабзавотчилик, ҳўраки, кишишибоп узум плантациялари ва иссиқхона хўжаликлари майдонларини кенгайтириш, шунингдек, бозор конъюнктураси таҳлилини ҳисобга олган ҳолда, интенсив усулда етишириладиган мева-сабзавот, узум маҳсулотлари турларини кўпайтириш чораларини кўриш;

+ ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалигида илмий ютуқлар, илғор илмий ишланмалар ва интенсив агротехнологиялардан кенг фойдаланишни ташкил этиш;

+ узумнинг ҳўраки ва кишишибоп навлари плантацияларини кенгайтириш, узумчилик корхоналарини комплекс модернизациялашга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, экспорт салоҳиятини ошириш;

+ Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргалиқда боғдорчилик хўжаликлари, ҳўраки, кишишибоп узум плантациялари ва иссиқхона хўжаликларига халқаро сертификатлаш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш;

+ мева-сабзавотчилик, узумчилик маҳсулотларини сақлаш, саралаш, қайта ишлаш ва экспортини ташкил этиш, шунингдек, ушбу соҳаларда “даладан растагача” тамойили асосида қўшилган қиймат занжирини яратувчи мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) фаолиятини ривожлантириш;

+ бозорлар конъюнктураси бўйича чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш йўли билан рақобатбардош маҳсулот етишириш, уни сотишни ташкил қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида соҳага маҳаллий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш;

+ ташқи бозорларда талаб юқори бўлган мева ва узум навларини жойлаштириш ва етишириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши;

+ интенсив мева-сабзавотчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжаликлари соҳасида мутахассисларни ўқитиши, уларнинг малакасини ошириш, инновацияларни ривожлантириш ва жорий этиш масалалари бўйича маҳаллий ва хорижий таълим

муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, хорижий ташкилотлар ва тармоқнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик қилиш;

✚ Кадастр агентлиги билан биргаликда боғлар ва иссиқхона хўжаликлари майдонларининг ҳамда узум плантацияларининг электрон реестрини юритиш.

### **Маълумот учун:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон Фармони билан 2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигига хизматлар кўрсатиш агентлиги ташкил этилган.

### **Агентлик қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси**



#### **МАҚСАДИ:**

- ✓ боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек уларнинг молиявий фаоллигини қўллаб-қувватлаш;
- ✓ Агентликнинг марказий аппарати таъминоти ва унга идоравий мансуб ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, Агентлик фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш;
- ✓ Агентлик марказий аппаратининг ходимларини моддий рафбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш.

### **Жамғарма маблағлари қўйидаги мақсадлар учун сарфланади:**



интенсив мева-сабзавотчилик хўраки, кишмишбоп узум плантациялари ва иссиқхона хўжаликларини барқарор

ривожлантиришни таъминлашга қаратилган мақсадли комплекс дастурларни амалга ошириш;



боғларда хўраки, кишмишбоп узум плантацияларида ва иссиқхоналарда ирригация тадбирларини ўтказиш, жумладан сув етказиб бериш, артезиан қудуқлари, қудуқлар ва резервуарлар барпо этиш, сув етказиб бериш учун насос ва қувурлар, сув сақлаш учун сифимлар харид қилиш;



маҳаллий шароитда этиштирилган интенсив қўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш;



Агентлик ва унинг тизимидағи ташкилотлар (лойиҳа оғислари)нинг ҳамда "Агросервис оператор" ДУКнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жамоа шартномасига мувофиқ ходимларни моддий рағбатлантириш, устамалар тўлаш;



интенсив мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳаларига хорижий мутахассислар ва консультантларни жалб этиш, шунингдек, Агентлик ходимлари, боғбонлар ва иссиқхона хўжаликлари эгаларини тайёrlаш, қайта тайёrlаш ва малакасини ошириш.

### Хуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 571-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартағи "Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4246-сон қарори.

# БОҒДОРЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДА АЖРАТИЛАДИГАН СУБСИДИЯЛАР

**ЯНГИ ИНТЕНСИВ БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРДА ЛОЙИХА АСОСИДА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ, БУРҒИЛАНГАН ҚУДУҚ, ШУНИНГДЕК ДАРЁЛАР, КАНАЛЛАР ҲАМДА БОШҚА СУВ ҲАВЗАЛАРИДАН СУВ ТОРТИШ УЧУН НАСОС СТАНЦИЯСИНИ ҚУРИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ, МУҚОБИЛ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ҚУРИЛМАСИНИ СОТИБ ОЛИШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ БИР ҚИСМИНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ** (1-илова)

томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудуқ, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос



станциясими қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида **ҳар бир лойиҳага 10 миллион сўмгача** (бунда томчилатиб

суғорииш технологияси, бурғиланган қудуқ, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бир лойиҳа деб қабул қили нади);

яратилаётган ҳар 10 гектар майдондаги янги интенсив боғ ва узум плантацияларига сув чиқариш учун бурғиланган қудуқ, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларида насос станциясими қуриш ва сувни тортишга (металл ёки пластик қувурлар) ҳар бир метри учун 600 минг сўмдан, аммо бир дона бурғиланган қудуқ ёки насос станцияси учун **120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда;**





жорий қилинган томчилатиб суғориш технологияси учун ажратиладиган субсидиянинг **базавий ҳисоблаш миқдори кўрсаткичлари орқали** (2-иловага қаранг);

аҳоли яшаш пунктларидан узоқ ҳудудларда (3 км) жойлашган, 10 гектардан кам бўлмаган лалми ва фойдаланишдан чиққан ерларда янги интенсив боғ ва узум плантациялари ташкил этиш учун қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси (куёш, сув, шамол) билан таъминлаш ускуналарини сотиб олиш харажатларининг 50 фоизигача, бироқ **100 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда**.



### Бу мухим:


#### Субсидия:

янги интенсив боғ ва узум плантацияларида лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ барпо этилган:

томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш;

бурғиланган қудук, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш харажатларига;

барпо этилган янги интенсив боғ ва узум плантациялари учун қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини сотиб олиш харажатларига **фақат бир маротаба ажратилади**.



Талабгор субсидия ажратилишига холоса олиш учун З-иловага мувофиқ шаклдаги аризани **ёзма ёки электрон шаклда** туман ишчи гурухига юборади.

### Иловалар:

томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудук, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув

ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш бўйича лойиҳа ва лойиҳа-смета ҳужжатлари;

- томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш ҳамда бурғиланган қудук, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш бўйича пудрат ташкилоти билан тузилган шартнома ҳамда ишлар якунланганлиги тўғрисида пудрат ташкилоти ва талабгор ўртасида имзоланган далолатнома ва ҳисоб-фактура нусхаси (бунда мазкур хатбошидаги қуриш ишлари талабгор томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ бажарилган бўлса, томчилатиб суғориш технологияси ва насос станциясини қуриш учун ишлатилган маҳсулотларни сотиб олиш шартномаси ҳамда ҳисоб-фактура нусхаси тақдим қилинади);
- янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона ташкил этилаётган жойининг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, тупроқнинг ҳолати ва унумдорлиги тўғрисида маълумот;
- қайта тикланувчи, муқобил электр энергия қурилмасини сотиб олиш тўғрисида шартнома ва ҳисоб-китоб ҳамда техник ҳужжатлар (паспорт) нусхаси.

Аризадаги маълумотлар ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун **талабгор жавобгар** ҳисобланади.

Туман ишчи гурӯҳи аъзолари талабгорга субсидия ажратиш тўғрисидаги хуносаларни (ижобий ёки салбий) расмийлаштиришда қўйидагиларга **шахсан масъул** ҳисобланади:

 **туман ҳокими** — ишчи гурӯҳи фаолиятини ташкил қилишга ва ишчи гурӯҳ томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига;

 **туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари** — субсидия ажратиш бўйича ҳужжатларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва расмийлаштиришга, қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмаси жорий қилинганлигига, яратилаётган ҳар 10 гектар майдондаги узум ва мевали боғлар плантациялари аҳоли яшаш пунктларидан узоқ ҳудудларда жойлашганлигига;

 **туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи** — сувни тежайдиган технология боғ ва токзорларнинг экин майдонларида

жорий қилинганилигига ва унинг ўлчами, контур рақами ҳамда экин турини аниқлашга;

• **туман лойиҳа оғиси раҳбари** — маълумотлар янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона ташкил этилаётган жойнинг тупроқ-иклим шароитларидан келиб чиқиб, тупроқнинг ҳолати ва унумдорлиги түғрисида маълумотларга мувофиқлигига;

• **туман иқтисод ва молия бўлими бошлиғи** — субсидия миқдорининг тўғри ҳисобланишига;

• **туман ирригация бўлими бошлиғи** — жорий қилинган технология тури ва унинг сифат кўрсаткичларини аниқлашга;

• **“Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг ҳудудий бўлими бошлиғи** — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси томонидан қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасининг янгилигига, олди-сотди шартномаси ва техник ҳужжатлар (паспорт) лойиҳа талабларига мувофиқлигини, шунингдек, талаб этиладиган миқдорда электр энергияси ҳосил қилиш қувватига эгалигини аниқлашга;

• **туман Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi раиси** — пудрат ташкилотлари билан тузиладиган шартномаларда фермер хўжаликлари ҳуқуқини ҳимоя қилишга.

Талабгор туман ишчи гуруҳининг ижобий хулосасини олгандан сўнг **Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигига ёзма ёхуд электрон шаклда** қўйидаги ҳужжатларни тақдим қиласди:

✓ юридик шахснинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), сўраклаётган субсидиянинг мақсади, лойиҳани амалга ошириш жойи, хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг номи ва банкдаги асосий ҳисобварафи кўрсатилган ҳолда субсидия бериш түғрисидаги ариза;

✓ талабгорга субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги түғрисида туман ишчи гуруҳининг хулосаси ва хулосани қабул қилишга асос бўлган ҳужжатлар нусхаси (ложиҳа ҳужжатлари, олди-сотди ва/ёки пудрат шартномаси, ишлар сифатли бажарилганлиги

*(түұрсисда имзоланған далолатнома, ҳисоб-фактура, тупроқнинг ҳолати ва унумдорлығы түұрсисда маълумот);*

- ✓ янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона ташкил этиш учун ер участкаси ажратилғанлиги түұрсисидаги ҳужжатлар нусхаси;
- ✓ жорий қилинған томчилатиб суғориш технологияси ҳамда қуриб битказилған бурғиланған қудук, шунингдек, насос станцияси ва қайта тикланувчи муқобил электр энергияси қурилмаси балансга олинғанлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;
- ✓ янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона түұрсисида З-иловага мувофиқ шаклда маълумот;
- ✓ зарур ҳолларда, янги интенсив боғ, токзор ташкил қилиш учун томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилған ҳамда сув чиқариш учун бурғиланған қудук, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қурған ва ўзаро келишув шартномаси асосида тенг мажбуриятлар олган, бир неча қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқарувчиларининг ўзаро келишув шартномаси нусхаси.

### **Агентлик үн беш иш куни ичида:**


талабгор томонидан субсидия олиш учун тақдим қилинған ҳужжатларни Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади;

камчиликлар аниқланған тақдирда, бу ҳақида туман ишчи гурухини ва тала бғорни ёзма равишида хабардор қиласы. Бунда, камчиликлар бартараф этилганидан сүңг, талабгор белгиланған тартибда янгидан мурожаат қилиши мүмкін;

талабгор томонидан субсидия олиш учун тақдим қилинған ҳужжатлар ва туман ишчи гурухининг ижобий холосасыга биноан талабгор билан субсидия ажратыш түұрсисида тегишли шартномани расмийлаштиради.

Субсидия Агентлик ва талабгор ўртасида субсидия ажратиш тўғрисидаги шартнома белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг, ҳисобварақда маблағ бўлган тақдирда, талабгорга хизмат кўрсатувчи тижорат банкида очилган асосий ҳисобварағига **бир ой ичида** ўтказиб беради.

Агентлик туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари билан биргалиқда **беш йил мобайнида** шартномада кўрсатилган параметрлар ва мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан **мониторинг** олиб боради.



### Бу муҳим:

Талабгорнинг жорий қилинган томчилатиб суғориш технологияларидан, бурғиланган қудук, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун барпо этилган насос станциясидан, қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасидан **мақсадли фойдаланилмаётганлиги ҳолатлари аниқланса**, ажратилган субсидия қуйидагича тартибда **қайтарилади**:

биринчи йилдан фойдаланилмаса — субсидиянинг **100 фоизи**;  
иккинчи йилдан фойдаланилмаса — субсидиянинг **80 фоизи**;  
учинчи йилдан фойдаланилмаса — субсидиянинг **60 фоизи**;  
тўртинчи йилдан фойдаланилмаса — субсидиянинг **40 фоизи**;  
бешинчи йилдан фойдаланилмаса — субсидиянинг **20 фоизи**.

### Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 июндаги "Узумчилик, боғдорчилик, иссиқхона хўжаликларини юритувчи ва виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида"ги 327-сон қарори

## **“ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРГА СУБСИДИЯ БЕРИШ” АХБОРОТ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ СУБСИДИЯ БЕРИШ ТАРТИБИ**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “**Агросаноатни рақамлаштириш маркази**” МЧЖ “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга субсидия бериш” ахборот тизими (кейинги ўринларда — “**Агросубсидия**” АТ)нинг оператори ҳисобланади.

### **“Агросубсидия” АТнинг асосий вазифалари:**

- ✓ талабгорлар томонидан субсидия олиш учун аризалар электрон шаклда юборилишини ҳамда ушбу хизматдан хавфсиз ва кафолатли фойдаланишни таъминлаш;
- ✓ талабгорларга уларнинг манзилли рўйхатга кириши ёки субсидия олиш учун юборилган аризаларни кўриб чиқишнинг ҳолатини ва босқичларни кўриб бориш имкониятини яратиш;
- ✓ талабгорларга улар томонидан юборилган аризалар ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиши натижаларини (хулосалар) кузатиб боришни таъминлаш;
- ✓ ваколатли органлар томонидан талабгорлар юборган аризаларни кўриб чиқиш ва уларга электрон шаклда хулоса бериш.

### **Бу муҳим:**

Талабгорларни “Агросубсидия” АТда фойдаланувчи сифатида рўйхатга олиш, идентификациялаш ва аутентификациялаш “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими ([id.egov.uz](http://id.egov.uz)) орқали амалга оширилади. (4-иловага қаранг)



### **Манзилли рўйхатга кириш учун ариза** юборишда:

 талабгорлар “Агросубсидия” АТда кўрсатилган оммавий оферта билан танишган ҳолда шахсига доир маълумотларни қайта

ишлаш орқали субсидиялаш хизматларидан фойдаланишга розилик билдиради ёки рад этади;

 талабгорлар аризани Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кеинги ўринларда — ЯИДХП) ёки бевосита “Агросубсидия” АТга кириш орқали юборади. Талабгорлар аризани қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ва ахборот тизимида жойлаштирилган шаклга мувофиқ тўлдирган ҳолда электрон шаклда юборади. Бунда ариза билан мурожаат қилганлик ҳамда аризанинг ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан кўриб чиқилганлиги учун тўлов ундирилмайди;

 талабгор ариза билан бирга тақдим этилган ҳужжатлар ва уларда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади ҳамда аризани электрон рақамли имзоси орқали тасдиқлайди;

 “Агросубсидия” АТга келиб тушган ҳар бир аризага ноёб рақам (идентификация рақами) рақами бириктирилади;

 талабгорларга улар томонидан юборилган аризанинг ҳолати ҳақидаги маълумот “Агросубсидия” АТга аризанинг ноёб рақами киритилиши орқали ёки талабгорларнинг ахборот тизимидаги шахсий кабинети орқали тақдим этилади;

 талабгорлар юборган ариза ваколатли органлар томонидан қонунчилик ҳужжатлари талаблари ва муддатларига мувофиқ кўриб чиқилади;

 аризаларни кўриб чиқиш натижаси бўйича хулоса субсидия турига қараб қонунчилик ҳужжатларга мувофиқ расмийлаштирилади;

 ариза ўз вақтида кўриб чиқилмаганда, муддатидан ўтган ариза ҳақидаги хабарномалар “Агросубсидия” АТда субсидиялаш хизматлари жорий қилинган ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар шахсий кабинетларида акс эттирилади ва мониторинги олиб борилади.



## Субсидия олиш учун ариза юборишда:

talabgorlar "Агросубсидия" ATda кўrsatилган оммавий оферта билан танишган ҳолда шахсига доир маълумотларни қайта ишлаш орқали субсидиялаш хизматларидан фойдаланишга розилик билдиради ёки рад этади;

talabgorlar норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабидан келиб чиқиб субсидия ажратиш учун аризани қонунчилик ҳужжатларида келтирилган ва "Агросубсидия" ATda жойлаштирилган шакл асосида тўлдирган ҳолда ЯИДХП ёки бевосита "Агросубсидия" ATга кириш орқали электрон шаклда юборади. Бунда талабгорлар томонидан ариза юбориш ҳамда ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ариза кўриб чиқилиши учун тўлов ундирилмайди;

talabgorlar ариза юбориш жараёнида тақдим этилган ҳужжатлар ва уларда кўrsatилган маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади ҳамда аризани электрон рақамли имзоси орқали тасдиқлайди;

тизимга келиб тушган ҳар бир аризага ноёб рақам (идентификация рақами) бириктирилади;

talabgorlarга улар томонидан юборилган аризанинг ҳолати ҳақидаги маълумот "Агросубсидия" ATга аризанинг ноёб рақами киритилиши орқали ёки талабгорларнинг ахборот тизимидағи шахсий кабинети орқали тақдим этилади;

talabgorlar юборган ариза ваколатли органлар томонидан қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ ва уларда белгиланган муддатларда кўриб чиқилади;

talabgorlar аризасини кўриб чиқиш натижаси бўйича хulosha субсидия турига қараб қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилади;

субсидия бериш тўғрисидаги хulosha шакли субсидия турига қараб қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган шаклда маҳсус QR-код билан тасдиқланган ҳолда расмийлаштирилади;



талабгорнинг аризаси ўз вақтида кўриб чиқилмаган тақдирда, муддатидан ўтган аризалар ҳақидаги хабарномалар “Агросубсидия” АТда субсидиялаш хизматлари жорий қилинган ваколатли органларнинг шахсий кабинетларида акс эттирилади ва мониторинги олиб борилади.

## СУБСИДИЯ ТУРЛАРИ

Данакли мевалар етиштиришда сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш



Уруғли мевалар етиштиришда сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш



Ёнғоқли мевалар етиштиришда сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш



Субтропик мевалар етиштиришда сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш



Узум етиштиришда сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш

### Хуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга субсидия бериш ахборот тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 711-сон қарори

# ИЛОВАЛАР

1-илова

**Янги интенсив боғ ва токзорларда лойиҳа асосида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудуқ, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш ва қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш СХЕМАСИ**

**1-қадам**

Талабгорлар Низом талаблари асосида хulosса олиш учун туман ишчи гуруҳига ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қиласди

**2-қадам**

Туман ишчи гуруҳи талабгор томонидан амалга оширилган ишлар ушбу Низом талабларига ҳамда шартномага мувофиқ бўлса, ишчи гуруҳ субсидия ажратиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан ижобий хulosса ёки субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ эмаслиги юзасидан салбий хulosса беради ва ҳужжатларни талабгорга қайтаради.

**3-қадам**

Талабгорлар туман ишчи гуруҳининг ижобий хulosасини олгандан сўнг Агентликка ёзма ёки электрон шаклда тегишли ҳужжатларни тақдим қиласди

**4-қадам**

Агентлик талабгор томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлган тақдирда талабгор билан субсидия ажратиш тўғрисида тегишли шартномани расмийлаштиради.

### 5-қадам

Агентлик субсидияни талаборгага хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган асосий ҳисобварағига ўтказиб берилади.

### 6-қадам

Агентлик туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари билан биргалиқда шартномада кўрсатилган параметрлар ва мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб боради.



### Жами 50 иш куни

**Мониторинг еса субсидия ажратилганидан сўнг 5 йил мобайнида**

2-илова

## Жорий қилинган томчилатиб суғориш технологияси учун ажратиладиган субсидиянинг базавий ҳисоблаш миқдори кўрсаткичлари

T/r	Тизимнинг таркибий қисмлари ва сифат кўрсаткичлари	Кўрсаткич
1.	Ховуз-тиндиригич (оқар сув таркибидаги лойқа-оқизикларни ушлаб қолиш (сувни тиндириш) ҳамда суғориш учун зарур бўладиган сув захирасини сақлаш учун мўлжалланган иншоот)	* —
1.1.	бетон ёки темир-бетон қопламали	0,08
1.2.	геомембрана қопламали (қалинлиги $\geq 1$ мм)	0,05
1.3.	бир мавсумли плёнка билан қопланган	0,02
1.4.	қопламасиз	0,01
2.	<b>Насос станцияси</b>	<b>0,1</b>
3.	<b>Фильтрлаш қурилмаси</b>	* —
3.1.	гидроциклонли, гидравлик автомат, қумли, дискли (ёки сеткали) фильтр ва ўғит бериш мосламаси	0,15
3.2.	қумли, дискли (ёки сеткали) фильтр ва ўғит бериш мосламаси	0,1
3.3.	дискли ёки сеткали фильтр ва ўғит бериш мосламаси	0,05
4.	<b>Бош (магистрал) қувурлар</b>	* —
4.1.	қалин деворли ( $>5,7$ мм)	0,25

4.2.	ўртача қалин деворли (4,2 — 5,7 мм)	0,2
4.3.	юпқа деворли (2,0 — 4,1 мм)	0,15
<b>5.</b>	<b>Тарқатувчи қувурлар</b>	<u>*</u>
5.1.	қалин деворли (>3,1 мм)	0,25
5.2.	ўртача қалин деворли (2,8 — 3,1 мм)	0,2
5.3.	юпқа деворли (0,75 — 2,7 мм)	0,15
<b>6.</b>	<b>Томизгичли суғориш шланглари</b>	<u>*</u>
6.1.	қалин деворли (>0,7 мм)	0,4
6.2.	ўрта деворли (0,3 — 0,7 мм)	0,35
6.3.	юпқа деворли (<0,3 мм)	0,3
6.4.	тупроқости суғоришга мўлжалланган шланглар	0,5
<b>7.</b>	<b>Тизимнинг автоматлаштирилган бошқаруви</b>	<b>0,1</b>
<b>8.</b>	<b>Сув ҳисоблагич</b>	<b>0,05</b>
<b>ЖАМИ</b>		<b>**</b>

\* Мазкур қисмдаги кўрсаткичларнинг биттаси танланади.

\*\* 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8-позициялардаги кўрсаткичлар қўшилиб акс эттирилади.

Томчилатиб суғориш технологиясининг сифатлилик даражасини белгиловчи коэффициент жадвалларнинг «Кўрсаткич» устунидаги балларни қўшган ҳолда ҳисобланади.

### З-илова

## **Янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона ташкил этиш лойиҳаси тўғрисида МАЪЛУМОТ**

1. Талабгор номи \_\_\_\_\_
2. Янги интенсив \_\_\_\_\_ (боғ, токзор ва иссиқхона) умумий майдони \_\_\_\_ га.
3. Томчилатиб суғориш тизими жорий этилган майдон \_\_\_\_ га.
4. Лойиҳа амалга оширилаётган жойнинг манзили \_\_\_\_\_.
5. \_\_\_\_\_ (мевали дарахт ва узум)  
тури ва нави: \_\_\_\_\_ — кўчат сони: \_\_\_\_ дона  
экиш схемаси режаси: \_\_\_\_\_ — экин майдони: \_\_\_\_ га.
6. Лойиҳани амалга ошириш муддати \_\_\_\_\_ .
7. Яратиладиган иш ўрни \_\_\_\_ киши.
8. Лойиҳанинг умумий қиймати — \_\_\_\_\_ млн сўм ёки \_\_\_\_ АҚШ доллари, шундан:

Т/ р	<b>Амалга ошириладиган ишлар</b>	<b>Лойиҳан инг умумий қиймати, млн сўм</b>	<b>Молиялаштириш манбалари, млн сўм</b>		
			<b>Ташаббу скор ларнинг маблағлари</b>	<b>Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ва/ёки Виночиликни ривожлантириш жамғармаси</b>	<b>Тижорат банклари кредитлари, бошқа манбалар ҳисобидан</b>
1.	Тупроқса минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий моддалар билан ишлов бериш				
2.	Мевали дараҳт (ёки кўчат, узум) ниҳолларини харид қилиш ва экиш				
3.	Томчилатиб суғориш тизими ва сув чиқариш учун қудуқлар ҳамда насос станциясининг лойиҳа ишлари				
4.	Сув чиқариш учун қудуқлар ва насос станцияси қуриш				
5.	Томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш				
6.	Қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси				
<b>ЖАМИ:</b>					

*Келтирилган маълумотлар ишончли бўлиб, интенсив боғ ва токзор ташкил этиш бўйича лойиҳа тўлиқ ҳажмда ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишига кафолат берамиз.*

Ташкилот раҳбари \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

**“Қишлоқ хұжалиғи маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга  
субсидия бериш” ахборот тизими орқали аризаларни  
юбориш, күриб чиқиш ва хulosса бериш  
СХЕМАСИ**

1-босқич

Талабгорлар томонидан сарфланған харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш бүйича талаб этилган ҳужжатлар ва аризани электрон шаклда тақдим этади.

2-босқич

Ишчи гурұх талабгорлар томонидан субсидия олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатларни үрганиб чиқади. Норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланған талабларга мувофиқ ариза бүйича хulosани тасдиқлайды ва ваколатли органга тақдим этади.

3-босқич

Ваколатли давлат органлари ваколатли давлат органларининг ҳудудий, туман (шаҳар), ишчи гурұхлари аъзолари томонидан тақдим этилган хulosаларни жамлайды, таҳлил қиласы да амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқліги бүйича күриб чиқып, натижасына күра молиялаштириш бүйича якуний хulosса беради.

4-босқич

Молиялаштирувчи масъул орган ваколатли давлат органлари берган хulosага мувофиқ талабгорларнинг аризасыда күрсатилған банк ҳисоб рақамиға бюджет маблағлари доирасыда субсидия үтказади.